

**“Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти  
ягона акциядорининг 6-сон  
ҚАРОРИ**

2021 йил 17 август

Тошкент шаҳри

“Навоий кон-металлургия комбинати” АЖнинг барча овоз берувчи оддий акциялари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 октябридаги ПФ-6096-сон “Давлат иштирокидаги корхоналарни ислох қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 30 мартдаги 170-сон “Навоийуран” давлат корхонаси, “Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти ва “Навоий кон-металлургия комбинати жамғармаси” давлат муассасаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тегишли бўлиб - “Навоий кон-металлургия комбинати” АЖнинг Ягона акциядори ҳисобланади.

Ушбу қарор Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 58-моддасига асосан қуйидаги масалалар юзасидан қабул қилинди:

**1. “Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ Кузатув кенгаши аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган давр учун тўланадиган ҳақ миқдорларини белгилаш тўғрисида.**

***Қун тартибидаги биринчи масала юзасидан:***

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 74-моддасига асосан акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра акциядорлик жамият кузатув кенгашининг аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган давр учун ҳақ тўланиши ва (ёки) кузатув кенгашининг аъзоси вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатларининг ўрни қопланиши мумкин. Бундай ҳақ ва тўловларнинг миқдорлари акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорида белгиланади.

Қун тартибидаги биринчи масала юзасидан “Навоий кон-металлургия комбинати” АЖнинг Ягона акциядори қуйидагича **қарор қилади:**

1. “Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ Кузатув кенгаши аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган давр учун тўланадиган ҳақ миқдорлари 1-иловага (илова махфий) мувофиқ белгилансин.

2. Бунда учинчи мустақил аъзога йиллик тўланадиган меҳнат ҳақи танлов натижаси ва томонларнинг келишувлари асосида аниқланиб, “Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ Кузатув кенгаши томонидан тасдиқлансин.

**2. “Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ Бошқарув аъзоларига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларнинг энг юқори миқдорларини белгилаш тўғрисида.**

***Кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан:***

“Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ Кузатув кенгашининг 2021 йил 13 августдаги 2-сон йиғилиш Баённомасига асосан шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 59-моддасига асосан акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра акциядорлик жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларни, шунингдек уларнинг энг юқори миқдорларини белгиланади.

Кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан “Навоий кон-металлургия комбинати” АЖнинг Ягона акциядори куйидагича **қарор қилади:**

“Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ Бошқарув аъзоларига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларнинг энг юқори миқдорлари 2-иловага (илова махфий) мувофиқ белгилансин.

3. Ушбу қарор ижросини таъминлаш “Навоий кон-металлургия комбинати” АЖнинг бошқарув раиси - бош директор К.С.Санакулов зиммасига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Молия вазири**



**Т. Ишметов**